

KALQARO ILMIY KONFERENSIYA  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE  
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



AMIR TEMURNING HARBIY SAN'ATNI  
RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI


Роль Амира Темура в развитии  
военного искусства



KALQARO ILMIY  
KONFERENSIYA MATERIALLARI  
Amir Temurning harbiy san'atni  
rivojlanтирishdagi roli

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC CONFERENCE

The Role of Amir Temur in the  
Development of Military Art  
МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ  
НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
Роль Амира Темура в развитии  
военного искусства



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI AKADEMIYASI  
ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI  
HARBIY OLIMLAR ASSOTSIAZIYASI

F

AMIR TEMURNING HARBIY SAN'ATNI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI

NT

*Xalqaro ilmiy konferensiya materiallari to'plami*

2021 yil 9 aprel



Toshkent 2021

УДК 355.48(063)

ББК 68.3

А 48

Роль Амира Темура в развитии военного искусства: сборник материалов международной научной конференции, 9 апреля 2021 года / [под общей редакцией д.филос.н. (DSc), профессора, полковника Самарова Р.С.]. – Ташкент: Академия ВС РУ, 2021. – 192 с.

Международная научная конференция «Роль Амира Темура в развитии военного искусства», организованная в преддверии 685-летия Амира Темура, посвящена обсуждению особенностей полководческого искусства великого государственного деятеля в контексте политического, социального, исторического и культурно-просветительского развития общества на основе первоисточников, а также изучению его стратегических и тактических взглядов через призму цивилизационно-династического подхода.

В международной научной конференции приняли участие ведущие ученые Республики Узбекистан, США, Российской Федерации, Индии, Пакистана, Казахстана, специалисты по вопросам военного искусства из ведущих научно-исследовательских учреждений, а также дипломатические представители зарубежных стран. В ходе конференции обсуждались величие наследия и вклад стратегического мышления великого полководца Амира Темура в развитие мирового военного искусства.

Рекомендовано к изданию протоколом заседания ассоциации военных ученых Министерства обороны Республики Узбекистан № 9 от 13 апреля 2021 года.

УДК 355.48(063)

ББК 68.3

#### Редакционная коллегия:

Азамат Зия Хамид угли, д.и.н. (DSc), профессор (Республика Узбекистан)  
Дадабеев Х.А., д.фил.н. (DSc), профессор (Республика Узбекистан)  
Бобров Л.А., д.и.н., доцент (Российская Федерация)  
Бауман Р.Ф., д.фил.н. (PhD) (Соединенные Штаты Америки)  
Илхан Шахин, д.и.н. (DSc), профессор (Республика Турция)  
Кадырбаев А.Ш., д.и.н. (DSc), профессор (Российская Федерация)  
Катигур Рехман, д.и.н. (DSc) (Индия)  
Рахматбаев Р.Ж., д.фил.н. (PhD), доцент (Республика Узбекистан)  
Каромат Д., д.ф. по искусствоведению (PhD), (Республика Узбекистан)  
Ахроров С.Ю., к.соц.н. (Республика Узбекистан)

Рецензенты: Бобобеков Ш.Н., д.и.н. (DSc), профессор; Алимов А.Ю., к.в.н., доцент; Садриддинов С.Р., д.ф.психол.н. (PhD); Турсунов Б.П., к.ф.-м.н.; Негриенко А.Я., к.т.н., доцент.

## MUNDARIJA

KIRISH SO'ZI.....	9
SAMAROV R.S. Amir Temur strategiyasi: harbiy san'atning rivojlanish kontekstida .....	11
БОБРОВ Л.А. О некоторых особенностях тактического искусства Амира Темура.....	18
BAUMAN R.F. Amir Temur as Military Leader through a Clausewitzian Lens.....	32
КАДЫРБАЕВ А.Ш. «Справедливость и сила» Амира Темура на Северном и Южном Кавказе .....	39
DADABOYEV H.A. Amir Temurning harbiy san'at rivojiga qo'shgan hissasi .....	42
HOSHIMJANOV I.A. Qozog'iston Respublikasida Amir Temur harbiy san'atining o'r ganilishi .....	46
BERDIYEV X.A. Buyuk sarkardaning harbiy iste'dodi – milliy harbiy meros ibrati .....	49
BOBOBEKOV H.N. Amir Temur jangovar strategiya va taktikasini o'r ganishda "Temur qissasi"ning birlamchi manba sifatidagi o'rni va ahamiyati .....	58
ABDURAXMONOV I.I., RUZIYEV M. Amir Temur davrida razvedka faoliyatasi .....	64
SADRIDDINOV S.R. Harbiy psixologiyada Amir Temurning sarkardalik faoliyatini o'r ganish: metodologik yondashuv .....	68
BOQIYEV F.E. "Temur tuzuklari"ning yoshlar mudofaviy ongini shakllantirishdagi o'rni .....	72
КАРОМАТ Д. Военные музыкальные инструменты эпохи Темуридов .....	75
INOQ'OMJONOVA Z.F., ZAKURLAYEV A.K. Amir Temur davrida lashkar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarga jazo tayinlash tizimi .....	78
NEGMATOV B.M. Amir Temur va jahon harbiy san'ati taraqqiyoti .....	82
AXMEDOVA M.T. Amir Temur davlatida lashkarni rag'batlantirish tizimi va tartibi .....	87
XODJAYEVA D.Yu. Temuriy malikalar va jahon madaniyati rivoji .....	96

Hamidullo Aripovich Dadaboyev

Khamidullo A. Dadaboev

fil.f.d. (DSc), professor, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti, O'zbekiston Respublikasi

Doctor of Philology, Professor, University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoiy, Republic of Uzbekistan

C.B. 2021

—



### АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ САНЬАТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

### AMIR TEMUR'S CONTRIBUTION TO DEVELOPMENT OF MILITARY ART

### ВКЛАД АМИРА ТЕМУРА В РАЗВИТИЕ ВОЕННОГО ИСКУССТВА

Жаҳон ҳарб тарихи таваллудига 685 йил тўлган Амир Темурни дунёнинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида, ҳакли равишда, тан олади. Соҳибқироннинг ҳарбий маҳорати ва истеъоди асосан иккى жихат, яъни тенгиз ҳарбий ташкилотчи ҳамда атоқли лашкарбоши тарзida намоён бўлган. Номдор саркарда ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Амир Темур ўзи ишлаб чиккан ҳарбий низомга тўла риоя килювчи ўта интизомли қўшин тузиш, жанг вақтида ўнлик, юзлик, минглик ва туманлардан ташкил топтирилган қисмларни моҳирлиқ билан бошариш, муҳораба тақдирни ҳал бўладиган ўринларга кўмак кучларини ўз вақтида йўллаш, ҳар қандай табиий, сунъий тўсик ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтиш, қўшиндаги жанговар рухни кўтарини даражада тутиб туришга муваффақ бўлган. Амир Темур қўшини таркиби Мовароуннахр, Даشتி Кипчок, Хурросон, Эрон, Жата, Хоразм, Мозандарон, Арзинжон, Ширвон сингари йигирма етти ўлка ва мамлакатдан олий бош кўмондон ҳукмига мувофиқ тузилган сон, яъни рўйхатга биноан шакллантирилган.

Соҳибқироннинг мунтазам қўшини адад жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговар тартиби – ясол етти қисмга бўлинган ва мутгасил тақомиллаштириб борилган<sup>1</sup>, қўшин замонасиининг илгор курол ва техникаси билан таъминланган, айнан бир турдаги курол-ярог, аслала-анжом билан куролланган гурухлар, фавжлар, бўлаклар бир-биридан кийим боши, совуту дубулгаси, туғу байробги, хатто, мингтан отининг туси орқали ҳам ажralиб турган.

Бундай фарқланиш жанг вақтида ҳарбий қисмларни бошкаришда жуда кўл келган.

Шарафуддин Али Йаздий Амир Темурнинг Румга юриши чоғида Сивос даштида ўтказилган ҳарбий кўрик хусусида маълумот берар экан, олий фармонга кўра, Самарқанддан етиб келган Муҳаммад Султон мирзо кўмондонлигидаги черикнинг жанговар ҳолатини қўйидагича тасвирлайди: “Наебат Муҳаммад Султоннинг черигига еттиқум, булар Самарқанддин эмди келиб эдилар. Андог яроқ кўрсатиларким, фалак мунча кўзлари била ҳаргиз мундоқ яроқ кўрмаган эрди. Ва чериги неча бўлак эрди ва бир бўлак бир ранг яроқ қилиб эрди: бир бўлаги қизил ва бир бўлаги яшила ва бир бўлаги сарик ва бир бўлаги оқ. Ушибу тарик билан хил-хил йигисларини яроқ билан кўрсатти”<sup>2</sup>.

Сафарга чиқиш арафасида Соҳибқирон йирик давлат арабблари, вазирлар, беклар, амирлар, саркардалар иштирикоида машварат ўтказган. Айни чоғда салтанатнинг турли ҳудудларидан қўшин йигиш учун маҳсус фармон – тунқол эълон килинган ва у фармонда кўрсатилган туман, вилоят, ўлкаларга бош кўмондоннинг ёрдамчиси – тавоҷи томонидан зудликда етказилган. Тунқолга мувофиқ ҳар бир вилоят ҳокими, туман, шаҳар беклари, қалъа, кўргон доругалари ўз навкарлари, от-улови, курол-аслахаси, ем-ҳашаги, озиқ-овкати, кийим-кечаги билан олдиндан келишилган тўпланиш жойи – миод ерига белгиланган пайт – миод вақтида етиб келиши, шовқин-суронсиз, тартиб-интизом билан кўрсатилган ўрин – бўлжорда жойлашиши шарт ҳисобланган. Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, ўрдугоҳда Амир Темурнинг саропардаси теварагида ҳар бир бўлак ва қисмларга тегишли чодирлар тикилган. Жангчилар ва тажрибали лашкарбошилар кирим-чиким дафтари ва давлатдан маош – улуға, озиқ-овқат, ем-ҳашак – тагор олувчилар рўйхатига киритилган. Муҳассислар ва битикчилар қўшиннинг сонини аниклап билан машғул бўлишган<sup>3</sup>. Мирхонд “Равзат ус-сафо” асарида Хитой юришига отланиш учун мўлжалланган 272 минг 612 нафар аскарга маош берилгани, шу вақтида келиб, Соҳибқирон қўшинининг умумий сони 800 минг отлик ва яёвлардан иборат бўлганлиги ҳакида маълумот борлитини бир неча марта эшитганини ёзган<sup>4</sup>.

Амир Темур юришига чиқишидан олдин ёғининг куролли кучлари, мудофаа истеҳкомлари ва иншоотлари, у ердаги сиёсий-иқтисодий вазият ва ҳ.к. хусусида аниқ, тўла маълумотга эга бўлиши учун айғоқчи (жосус, ҳабаргир) ларни юборган. Душман тўғрисида зарур маълумотлар йигилгандан сўнг қўшин йўлга циккан. Соҳибқирон қўшинининг турли бўлинма ва қисмларига уч ўн уч бес бошчилик қилган. Ўттизга яқин туркий уруг вақилларидан шаклланган саркардалар тобе юргларнинг раҳбарлари катори, қаровулбеги (айғоқчи гурӯҳ сардори), қўшунбеги (50-500 жангчидан иборат бўлинма бошлиги), ҳазорабеги (минг кишилик қисм саркардаси), ҳиравулбеги (авангир кўмондони), туманбеги

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 256-257

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темуру (1403-1406). Перевод со староиспанского. – М.: Наука, 1990. – С. 115.

<sup>3</sup> Мирхонд. Равзат ус-сафо. Х. Сулеймон:номидаги кўлёзмалар институти кўлёзмалар фонди. № 4141. – Б. 214a.

(үн минг кишидан иборат қисм раҳбари), ҷағдавулбеки (аръергард сардори), ҷерикбеки (амири лашқар) лавозимларига тайинланган. Қўшинда баҳодур, улуг баҳодур, улуг бек, улуг амир, беклар беки, амир ўз-умро, улуг нўён каби шарафли увоннлар жорий қилинган. Лашқарбошилар таркибининг асосини барлос (70 та), қавчин (28 та), нукуз (нукудар-10 та), сулдуз (10 та), қипчоқ (9 та), жалойир (8 та), апарди (8 та) каби уруғ вакиллари ташкил этган. Амир Темур юриш вақтида қўшин ва ўғруқ (обозни) қийин ва ўтиб бўлмас ерлардан бошлиб борувчи қажарчи – йўлчиларни маҳаллий аҳоли ичидан ёллаш масаласига жиддий ёндашган. 1400 йилнинг қиши фаслида Гуржистон томон қўшин тортиган Соҳибқирон Хамша номли дарада ўтишининг иложи йўқ жангалга дуч келади. Олий ҳукмга кўра, ҷерик аҳли үн кун давомида жангалзордаги дарахтларни болта ва арра билан кесиб, беш-олти қўшун ёнма-ён ясол ясаган холда юраоладиган йўл қуришган<sup>4</sup>. Ботқоқликлардан кесилган ёғочлар ёрдамида ясалган йўллар орқали ўтилган. Қалин кор билан қопланган тогу даралардан ўтишда қўшинда бор кигиз, палос ва гиламлар кор юзига тўшалган, шу тариқа нафакат аскарлар, балки отлар ҳам белгиланган мўлжалга етган. Тогу тошлар устидан пастта тушишда беклар ва баҳодирлар маҳсус арқон (ип)лардан фойдаланишган. Уловлар бўйин ва оёкларига боғланган арқонлар ёрдамида куйига туширилган. Бундан ташкари, ёғочдан арқонлар боғлаш учун ҳалқа ўрнатилган маҳсус сандиклар ҳам тайёрланган. Қўшинда сувли тўсикларни кечиб ўтиш масаласига алоҳида диккат қаратилган. Дарёларнинг саёз ерлари кечикка айлантирилган ҳамда соқчи отликлар томонидан муҳофаза қилинган. Сув ёқасига стишган қўшин бўлук-бўлук, фавж-фавж, гурух-гурух кечик – гузардан ўтган. Кўклам ва кузнинг ёмғирли кунларида дарё сувининг кўпайиши оқибатида кечиклардан ўтиш қийинлашган. Бундай вазиятларда чукур дарёлар устида ҳас-ҳашак, қайиқ ҳамда соллардан боғланган кўпrik орқали аскарлар катори, оғир техника ва ўтрук ҳам ўтказилган.

1391 йилнинг 29 май куни Ёйик дарёсидаги учта кечикдан ўтиш чоғида Тўхтамишхон пистирмасига дуч келиш хавфи борлигининг эҳтимолдан холи эмаслигини пайқаган Амир Темур маслаҳатига кўра, қўшин дарёнинг юкорисига борган ва барча отлику яёқ бир йўла ўзини сувга ташлаб, соғ-саломат қаршидаги киргокка ўтган.

Соҳибқирон жантгоҳни танлашда шахсан қатнапланган. Жанг майдонининг кеңг, текис, қўшин қисмларини жойлаштиришга куляй бўлиши талаб қилинган. Айниқса, жантгоҳнинг ичимлик сув манбасига якин бўлиши, жанг чоғида кўш нурларининг аскарлар кўзига тушмаслиги мақсадига молик саналган. Ариқ ёки дарёсиз жойларда пиёдалар ёрдамида кудуклар қазилиб, сув чиқарилган. Ва аксинча, ёв келиши куттилган йўллар бузилган, мавжуд кудук, булоклар тош-тупроклар билан тўлдирилган.

Қўшин тин олиш, тўхтаги ёки жантгоҳга тушганда лашкаргоҳ атрофи бир-бирига боғланган аравалар билан ўралган, шоҳ-шаббалар ёрдамида говлар ясалган, гирдига четан (*чапар*) ва одам бўйи баробар *тура* (калқон)лар кўйилган,

ичига тикан (учли санчик) ўрнатилган *хандақ* (трашса) билан ихота қилинган. Бундай истеҳком язак (кундузги) ва талоя (тунги соқчи) лар томонидан қўриклиланган. Юриш ёки дам олиш пайтида тушунмовчилик ва тартибсизликнинг олдини олиш мақсадида муайян бўлинма, гурух, қисмнинг ўз ўрон – пароли белгиланган.

Йирик жантгоҳ пайтида жантгоҳ дастаси учига *моҳча* – ярим ой шакли қадалган жанговар тут ва байроқлар билан безатилган Соҳибқироннинг боргоҳи баланд тепаликда тикланган. У жойдан аскарий қисмларининг жанг майдонидаги ҳаракати, муҳорабанинг кечиши Амир Темур томонидан назорат қилинган. Одатта биноан *боргоҳ* олдида ҳарбий ҷолгучилар аскарларни мардликка, матонатта рағбатлантирувчи, уларнинг жанговар руҳини кўтарувчи кўйларни тинимизз чалиб туришган.

Ганим лашкарида маглубият аломати ва кошиш белгилари зоҳир бўлгач, уни таъкиб этиш учун отликлардан иборат қавғунчи//қувғунчи тайинланган. Қалъа, қўргон ва ҳисорга чекиниб, мустаҳкамланган ёв тўрт томондан қамал қилинган. Мустаҳкам қалъаларни таслим этишда Амир Темур ўзига хос тадбирни ишга солган. Даставвал иш қамалдаги қалъа деворлари ёнида ундан баланд бўладиган *сарқўб* – тупрок уюми тикилашдан бошланган. Ҷерик теварак-атрофдан ёғоч, ўтин, шоҳ-шабба йигиб, устидан тош ва тупрок бостириб, *сарқўб* барпо этган. Қад роствлаган *сарқўбга* кўтарилиган аскарлар томонидан мудофаачилар устига турли курол-яроғлардан ўқ ва тош ёғдирилган. Манжаник ва арродалардан иргитилган тошлар билан деворлarda раҳналар очилган, девор тагидан *нақблар* қазилиб, дору ёрдамида бурж ва борулар портлатилган, зич кўйилган шотулардан аскарлар юкорига кўтарилиган. Бундай зўр ҳужум қалъани забт этиш билан якунланган. Аксарият ҳолларда Соҳибқирон обол ва маъмур вилоят, шаҳар, қалъа, қўргон ва ҳисорларни талон-тарож қилишдан ўзини тиyr, у ерлардаги қабристон, ақобир ва машайхларни зиёрат қилар эди. Унинг бундай феъл-авторидан хабардор бўлган юрт улуғлари турфа совға-салом, инъом ва пешкашлар билан келиб, омонлик тилар, ўртада сулҳ тузилиб, музaffer қўшин илгарилаёт кетар эди.

<sup>4</sup> Шарифуддин Али Йаздий. Зифарнома. –Тошкент: Фан, 1997. –Б. 227